



## THE CONCEPT, CLASSIFICATION, AND HISTORICAL BACKGROUND OF THE OFFENSE OF PETTY THEFT

**Anvar Butaev**

*Master's student*

*Law Enforcement Academy*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [anvarsarvar1993@gmail.com](mailto:anvarsarvar1993@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** petty theft, offense, crime, theft, fraud, administrative liability, embezzlement, misappropriation, abuse of official authority

**Received:** 06.05.25

**Accepted:** 08.05.25

**Published:** 10.05.25

**Abstract:** The article reflects the classification, concept, historical origin and development of the offense of petty theft, issues of legal assessment, and scientific recommendations.

## ОЗ МИҚДОРДА ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ТУШУНЧАСИ, ТАСНИФИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

**Анвар Бутаев**

*магистратура мингловчиси*

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиши Академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [anvarsarvar1993@gmail.com](mailto:anvarsarvar1993@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** оз миқдор талон-торож қилиш, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ўғрилик, фирибгарлик, маъмурӣ жавобгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш.

**Аннотация:** Мақолада оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлигининг таснифи, тушунчаси, келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи, ҳуқуқий баҳолаш масалалари ва илмий тафсиялар акс этган.

## ПОНЯТИЕ, КЛАССИФИКАЦИЯ И ИСТОРИЯ ВОЗНИКОВЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЯ, СВЯЗАННОГО С МЕЛКИМ ХИЩЕНИЕМ

**Анвар Бутаев**

*студент магистратуры*

*Академия правоохранительных органов*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [anvarsarvar1993@gmail.com](mailto:anvarsarvar1993@gmail.com)*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** мелкое хищение, правонарушение, преступление, кража, мошенничество, административная ответственность, присвоение, растрата, злоупотребление должностными полномочиями

**Аннотация:** В статье отражены классификация, понятие, история возникновения и развития правонарушения, связанного с мелким хищением, вопросы правовой оценки и научные рекомендации.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилмалашил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиликнинг хуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хуқуқлилигини ва хуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилиши кафолатланиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу конситутциявий нормадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллари, мулк давлатга ёки жисмоний шахсга тегишли бўлишидан қатъи назар, тенг хуқуқда ҳимоя қилинади. Мулк дахлсизлигини бузиш ёки талон-торож қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзганинг мулкини талон-торож қилиш жиноий ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Миллий олимларимиздан бири Т.Хасановнинг фикрича, “талон-торож қилиш – ўзганинг қонуний эгалигида (тасарруфида) бўлган мулкни ёки мулкка бўлган хуқуқини қонунга хилоф равишда айбдорнинг ўзи ёки учинчи шахс фойдасига қасдан, тамагирлик ёхуд бошқа паст ниятда бепул ва қайтариб бермаслик шарти билан олиб қўйишдир”. Профессор М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, “талон-торож қилиш бу бирорнинг мулкини ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ тўламай ундиришдир”. Мазкур фикрдан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, талон-торож қилиш бу ўзгани мулк эгалигидан ёки мулкка бўлган хуқуқидан тўла маҳрум этишдир.

Ўзганинг мулки деганда – бошқага тегишли бўлган ашёлар, пуллар, мулкка эгалик хуқуқини берувчи – қўлга киритилиши, мулкни қўлга киритиш билан тенг бўлган хужжатлар тушунилади. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларида мулк давлат, хусусий, аралаш, оммавий ва бошқа мулк бўлишидан қатъи назар у ўзганинг мулки деб баҳоланади. Қуйидагилар эса ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларининг предмети бўла олмайди: – ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар, уларнинг мевалари, ёввойи қушлар ва ҳайвонлар, ер остидан ковлаб олинмайдиган фойдали қазилмалар; – мулкдор учун ўз қийматини йўқотган нарсалар; – муайян қийматга эга бўлмаган мулклар; – ўзгалар ихтиёридан тасодифий ҳолда чиқиб қолган мулклар; – шахсни тасдиқловчи хужжатлар (масалан, паспорт, шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ва бошқ.) талон-торож предмети бўла

олмайди.

Талон-торож бўлган мулкнинг қийматига (баҳосига) қараб шахснинг ҳаракатига хукуқий баҳо берилади. Жиноят кодексининг 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган жиноятларда талон-торож қилинган мулк, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулки бўлса ва талон-торож қилинган мулкнинг қиймати оз миқдорда бўлса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси билан жавобгарликка сабаб бўлади. Маъмурий қонунчиликка асосан талон-торож қилинган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса оз миқдор сифатида баҳоланади. Оз деганда ўзи нимани тушунамиз? “Оз” сўзига таъриф ўзбек тилининг изоҳли лугатида сон ва миқдор жиҳатдан унча кўп бўлмаган, кам, етарли эмас, кифоя қилмайдиган маъноларни англатиши кўрсатилган”.

“Оз миқдорда талон-торож қилиш” тушунчасининг пайдо бўлиши давлат ва жамият томонидан ушбу ҳаракатлар жиноят деб топилмаслиги лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш зарурати билан боғлиқ бўлган. Ўзгариб бораётган хукуқий онг, хукуқий маданият даражасининг ошиши натижасида жиноят қонунчилигини юмшатиш, сўнг эса умуман бундай ҳаракатга нисбатан жиноят қонунини қўлламаслик зарурати пайдо бўлган. Р.Миллингтоннинг фикриги кўра майда ўғриликлар моддий ва психологик сабаблар билан боғлиқлиги, айнан мазкур турдаги хукуқбузарликлар асосан иқтисодий танглик, ўтиш даврларида кўпайганлиги, бунда оддий озиқ овқатдан бошлаб, курилиш молларигача ўғриланиши, бунда айнан ҳар қандай шахс ўша даврда омон қолиши учун ўғриликка қўл уриши мумкинлигини маълум қилган.

Узоқ тарихдан олсак шахсни жавобгарликка тортишда мулк қиймати ва шахснинг жамиятдаги тутган ўрнига қараб унга жавобгарлик белгиланган. Қадимга ва ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларда даставвал заростризм ақидалари, сўнг милодий VIII асрдан XX асрнинг 20-йилларигача шариат қонунлари билан шариатда тақиқланмаган урф-одат ҳукмронлик қилган. Ушбу диний-аҳлоқий мезонларга асосланган хулқ-атвор қоидаларида ўзгалар мулкини талон-торож қилиш учун жавобгарлик масаллари ўрин эгаллаган. Ўзгалар мулкини ноқонуний йўл билан эгаллаб олиш (ғасб) масалаларини ишлаб чиқишига ислом хукуқшунослари жиддий эътибор берганлар. Бурҳониддин Марғиноний қаламига мансуб “Хидоя” асарининг 37-китобида ўзгалар мулкини ғайрқонуний эгалик қилиш “ғасб” деб таърифланган. Шариатда “ғасб” бирон-бир нарсани бошқа шахсдан зўровонлик йўли билан тортиб олиш ёки ўзлаштиришни англатган. Қонун тилида “ғасб” атамаси муаян қийматга эга бўлган ўзганинг мулкини эгасининг розилигисиз олиш ва уни мазкур мулкка нисбатан бўлган эгалик хукуқдан марҳум этишни англатган. Бунда шахсга нисбатан жавобгарлик белгилашда талон-торож қилинган мулкнинг

қийматига қараб жавобгарлик белгиланган. Мисол учун ўғриланган нарса “нисоб” миқдорига етган бўлиши керак бўлган. “Нисоб” миқдорига етган вақтида ўғрининг қўллари кесилган. “Нисоб” миқдори 1/4 динор( 1 грамм соф олтин)га тенг бўлган. Талон-торож қилинган мулк киймати “нисоб” миқдорига етмаган тақдирда бошқа турдаги енгил жазо берилиши мумкин бўлган.

Туркистон ўлкасида XX асрнинг бошларида чор Россияси ҳарбий ҳокимияти ўрнатилишига қарамасдан, Россия билан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасида тузилган тинчлик шартномалари мазкур давлатларнинг хуқукий тизимиға деярли дахл этмаган. Шариат қонунлари 1917-1920 йиллардаги давлат тўнтарилишигача сақланиб қолган. Урушлар, нотинчилклар, иқтисодий тангликлар одатда жиноятчиликнинг ортишига олиб келади. Совет ҳукуматининг дастлабки йиллари, 1920–30-йилларда озиқ-овқат танқислиги ва очарчилик ҳолатлари кўп эди. 1926-йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят Кодексининг 162-моддасида “ўзининг ёки оиласининг минимал эҳтиёжларини қондириш мақсадида содир этилган яширин ўғирлик” тушунчаси белгиланди. Бундай ҳаракат учун уч ойгача мажбурий меҳнат жазоси тайинланиши мумкин эди. Завод ёки фабрикада ишчилар томонидан биринчи марта 15 рублгача бўлган ўғирлик содир этилса, улар фақат интизомий жавобгарликка тортилар эди. Бу ҳолат ўғирлик ва майда ўғирлик орасидаги фарқни белгилаганини кўрсатади.

1940-йил 10-августдаги ССР Олий Совети Президиумининг “Ишлаб чиқаришда содир этилган майда ўғирлик ва безорилик учун жавобгарлик тўғрисида”ги фармонига кўра, “майда ўғирлик” атамаси, қанчалик кичик бўлмасин, агар у ишлаб чиқариш корхонаси ёки муассасада содир этилган бўлса, бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланиши белгиланди. Бу 1926-йилги Жиноят Кодексидаги юмшоқроқ жазога қараганда анча қатъий эди.

Бироқ, 1947-йил 4-июндаги “Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш учун жавобгарлик тўғрисида”ги фармон билан аввалги барча нормалар, шу жумладан майда ўғирлик тушунчаси ҳам бекор қилинди. Бу билан давлат мулкини ўғирлаш жиноятининг оғирлиги оширилди. Давлат мулкини ўғирлаган шахслар 7–10 йилгача озодликдан маҳрум қилинар, колхоз, кооператив ёки бошқа жамоат мулкини ўғирлаш учун эса 5–8 йилгача жазо белгиланаарди. Бундай кескин чора-тадбирлар урушдан кейинги жиноятчилик даражасининг кескин ошганлиги билан боғлиқ эди. 1947-йилга келиб, ўғирликлар барча жиноятларнинг 49,2 фоизини ташкил этган. 1946-йилга нисбатан 1947-йилда ўғирликлар сони 43,7 фоизга ошган. 1955-йил 10-январда қабул қилинган фармон билан биринчи марта содир этилган майда ўғирлик учун жазолар юмшатилди: 6 ойдан 1 йилгача мажбурий меҳнат ишлари ёки 3 ойгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган эди.

1984-йилда эса РСФСРнинг Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси қабул қилиниб, 49-моддасида давлат ёки жамоат мулкини майда ўғирлаш учун маъмурий жавобгарлик белгиланади. Жазолар сифатида 8 бараваргача жарима ёки икки ойгача тузатиш ишлари (иш ҳаки 20 фоизигача ушлаб қолинади) назарда тутилган. Майда ўғирлик деб топилиши учун ўғирланган нарса қиймати энг кам ойлик иш ҳақидан ошмаслиги лозим эди. Бунда ўғирланган нарса оғирлиги, ҳажми ва ҳалқ ҳўжалиги учун аҳамияти хам ҳисобга олинар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, яъни 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган (1995 йил 1 апрелда кучга кирган) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексида оз миқдорда талон-торож қилиш хуқуқбузарлиги ўз аксини топган. Мазкур эски таҳрирдаги кодекс бўйича оз миқдор бўлиш учун талон-торож қилинган мулк қиймати энг кам иш ҳақидан ошмаслиги керак бўлган. Кейинчалик Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айнан мазкур нормага (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сонли қонуни) ўзгариши киритилди. Унга кўра оз миқдор қиймати энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараварига қўпайтирилди. Кейинчалик мазкур норма яна такомиллаштирилиб, оз миқдорни белгиловчи миқдор беш бараваридан ўттиз бараварга қўпайтирилди. Ўзбекистонда йиллар давомида оз миқдор қийматининг ўсиб бориши иносонпарварлик ва жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқдир. Бундан ташқари оз миқдор белгисининг ўзгариши Ўзбекистонда содир бўлган инфиляцион жараёнлар билан хам боғлиқ.

Маъмурий қонунчилигимиздаги “оз миқдорда талон-торож қилиш” жуда кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Биз уни хуқуқий баҳолашда ва унга таъриф беришда албатта жиноят ва фуқаролик қонунчиликка мурожаат қиласиз. Чунки маъмурий қонунчилиқда мулк, оз миқдорда талон-торож қилиш усули сифатида кўрсатилган ўғрилик, ўзлаштириш, фирибгарлик, растрата қилиш, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш йўли каби тушунчаларга маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида хуқуқий таъриф берилмаган.

Демак, талон-торож қилиш учта йўл билан – ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш ҳамда фирибгарлик йўли билан содир этилса ва талон-торож қилинган мулк оз бўлса маъмурий хуқуқбузарликни келтириб чиқаради. Маъмурий хуқуқбузарлик деганда қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи ғайрихуқукий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган харакат ёки харакатсизлик тушунилади. Бир сўз билан айтганда, маъмурий

хуқуқбузарлик жиной хуқуқбузарликка нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ ҳисобланади. Шунга кўра ўзганинг мулкини ўғрилик, фирибгарлик ва ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ижтимоий хавфлилик даражаси юқори, шу сабабли жиноят сифатида эътироф этилган. Лекин амалдаги қонунчилигимиз талон-торож қилинган мулк қиймати(оз миқдор)ни ва мулк эгасини (мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот ва муассаса мулки) инобатга олиб маъмурий хуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган.

Мазкур оз миқдорда талон-торож қилиш хуқуқбузарлигининг усули сифатида қаралаётган ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик ва ўғриликнинг ҳар бирининг ўзи алоҳида катта бир мавзу ҳисобланади. Хуқуқбузарликни тўлиқ ўрганиш учун ҳар бир усулни алоҳида қисқача кўриб чиқамиз.

**Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш-айборга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш.** Мазкур усул амалиётда кенг тарқалган бўлиб, унда шахс томонидан деярли амалий фаол ҳаракатлар амалга оширилмайди. Мазкур турдаги талон-торож қилишнинг бошқа шаклларидан асосий фарқи шундаки, хуқуқбузарлик предмети айборнинг эгалигига қонуний асосларда ўтган бўлади, яъни мулк шахсга хизмат мажбуриятлари, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ёхуд мулқдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан махсус топшириқ асосида тегишли тартибда расмийлаштирилган холда ишониб топширилган бўлади. Мазкур қилмишдаги ўзлаштириш ёки растрата қилиш ўртасида фарқ бўйича бир қанча қарашлар мавжуд. “У.Мирзаевнинг фикрига кўра “растрата қилишда айбор товар ва моддий бойликларни ўзиники қилиб олмайди, уни ўзидан бегоналаштиради”. Префессорлар М.Х.Рустамбоев ва Р.Кабуловларнинг фикри бўйича объектив томондан растрата қилиш айборга ишониб топширилган товар ва моддий бойликларни ўз фойдасига олиш ёхуд ўзгалар (учинчи) шахслар фойдасига қаратиб олиш шаклидаги фаол ҳаракатларни ифодалайди. М.М.Қаландаров эса У.Мирзаевнинг билдирилган фикрларида камчиликларнинг мавжудлиги сабабли М.Х.Рустамбоев ва Р.Кабуловларнинг фикрини қуллаб қувватлаган холда муаян ваколатларни амалга ошириш учун айбордага ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган мулки сарф-харажат қилинади, ҳадя қилинади, сотиб юборилади ёки учунчи шахсларга бериб юборилади ёки шахснинг ўзи томонидан истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам растрата қилишни ўзлаштиришдан фарқи шундаки ўзганинг мулки кимнинг фойдасига ўтиши билан қаратиб олишда эмас, балки жиноятчидаги мазкур мулкни мавжуд бўлиш холати билан фарқ қиласди. Бошқача айтганда, айбордага ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини талон-торож қилиш фактини

аниқлаш вақтида, ушбу мулк сарф қилинган ёки бошқа тарзда соқит қилинган бўлиши керак”. Мазкур фикрлардан англаш мумкинки, ўзлаштириш ва растрата қилиш алоҳида ҳаракат сифатида баҳоланади. Мазкур харакатларнинг бирортаси оз миқдорда содир этилса маъмурий ҳукуқбузарлик сифатида ҳукуқий баҳоланади.

**Ўғрилик-** ўғрилик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш ҳукуқбузарлиги кенг тарқалган усуллардан бири хисобланади. Маъмурий жавобгрлик тўғрисидаги кодексда ўғрилик учун таъриф берилмаган. Жиноят кодексида ўғриликка қуйдагича тариф берилган: ўғрилик- ўзганинг мол-мулкини яширин равища талон-торож қилиш (ЖКнинг 169-моддаси). “Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигига ёки улар бор бўлса-да, уларга билдириласдан ўзганинг мол-мулкини яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланади”. Ўғрилик жинояти юзасидан тадқиқот олиб борган олим Т.Хасановнинг фикрига кўра “Ўғрилик – ўзганинг қонуний эгалигига (тасарруфида) бўлган мулкини ёки мулкий ҳукуқини қонунга хилоф ва яширин равища, яъни мулкдорга ёки мулкнинг бошқа эгасига аён бўлмаган ёхуд атрофдаги шахслар жиноят содир этилаётганини англамаётган ҳолатда, ўзининг ёки учинчи шахс фойдасига талон-торож қилишдир”. Жиноят қонунчилигига ўғриликнинг квалификация белгилари асосида содир этилган турлари мавжуд. Лекин мазкур оз миқдорда талон-торож қилиш ҳукуқбузарлиги ўғриликнинг квалификация белгилари билан содир этилганда ҳам маъмурий ҳукуқбузарлик сифатида баҳоланади.

**Фирибгарлик-** алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкий ҳукуқини қўлга киритиш. Илмий адабиётларда фирибгарлик тушунчаларига ҳар ҳил таърифлар берилган. Фирибгарлик тушунчасига таърифи Н.С.Тагансев томонидан берилган бўлиб, у “фирибгарлик – шахс томонидан ўзганинг мулкини алдов йўли билан ўзлаштириш бўлиб, фирибгарлик мақсади шунда ифодаланадики, жабрланувчида фирибгар мулки эгаллашга, ўзига фойдали шартларда битим тузишга ҳукуқий асосга эга деган фикрда бўлади” деган. Юридик фанлар доктори, профессор Қ.Абдурасурова “...фирибгарлик бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлари, бу жиноят таркибининг тўла ёритилмаганидадир” деб фикр билдириб, “фирибгарлик-бу бирорвнинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳукуқини алдаш йўли билан эгаллашдир” деб таъриф берганлар.

Фирибгарлиқда айбор алдаш учун ёлғон маълумотлардан фойдаланади. Ёлғон маълумотлар деганда жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айборнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин.

**Мансаб лавозимини суистеъмол қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш.** Жиноят кодексида ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар қаторида алоҳида мазкур усул киритилмаган. Балки, бу усул Жиноят кодекси 167-моддаси моддасининг 2-қисми “г” бандида алоҳида кўрсатилган. Мансаб мавқенини суистеъмол қилиш деганда, мансабдор шахс ўзганинг молмулкини моддий жавобгар шахслар билан тил бириктириб ёки сохта ҳужжатлардан фойдаланиб эгаллаши, қонунга хилоф равища мукофотлар, иш хаққига устамалар ёзиш йўли билан, пенсиялар, турли нафақалар олиш ва хоказо учун ўз мансаб мавқeidан фойдаланиш тушунилади. Мазкур иш бўйича тадқиқ олиб борган М.Эрмуратов мансаб мавқенини суистеъмол қилиш йўли билан содир этиладиган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг иккига бўлган. Улар

- мансабдор шахсга ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш;
- мансабдор шахсга ишониб топширилмаган, балки фақат унинг ихтиёрида турган мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш.

Жиноят қонунчилиги бўйича мансаб ваколатини суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш алоҳида жиноят тури сифатида эътироф этилмаган. Балки, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятининг кваликацияси белгиси сифатида кўрсатилган. МЖТК 61-моддаси диспозициясида эса мансаб мавқенини суистеъмол қилиш йўли оз миқдорда талон-торож қилиш алоҳида усули сифатида киритилган.

Хуроса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оз миқдорда талон-торож қилиш хукуқбузарлигининг қонунчилик ривожланишини шартли равища қўйидаги босқичларга ажратиш таклиф этилди:

1-босқич – энг қадимги даврдан VIII асрغا бўлган давр: мазкур даврда мамлакатимизда “Авесто” қоидалари татбиқ этилган;

2-босқич – VIII асрдан 1926-йилгача бўлган давр: ушбу даврда мамлакатимизда талон-торож қилиш хукуқбузарлиги учун шариат қоидалари асосида мулкнинг қийматига кўра жавобгарликка тортилган;

3-босқич – 1926-йилдан 1984-йилгача бўлган давр: ушбу даврда мамлакатимизда жиноят қонунчилиги кодификатсия қилинди, мазкур даврда талон-торож қилишнинг ҳар қандай босқичи учун жиноий жавобгарлик белгиланди;

4-босқич – 1984-йилдан 1994 йилгача бўлган давр: Бутун собиқ совет давлат худудларида оз миқдорда талон-торож қилиш хукуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Бунда оз миқдор энг кам ойлик иш ҳақидан ошмаслиги лозим бўлган.

5-босқич – 1994 дан ҳозирги кунгacha бўлган давр: 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси МЖТКда оз миқдорда талон-торож қилиш хукуқбузарлиги ўз аксини топган. Мазкур эски таҳрирдаги кодекс бўйича оз миқдор бўлиш

учун талон-торож қилинган мулк қиймати энг кам иш ҳақидан ошмаслиги керак бўлган. Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айнан мазкур нормага ўзгариши киритилди. Унга кўра оз миқдор қиймати энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараварига кўпайтирилди. Кейинчалик мазкур норма яна такомиллаштирилиб, оз миқдорни белгиловчи миқдор беш бараваридан ўттиз бараварга кўпайтирилди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 112 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Юридик адабиёт публиш, 2025. – 576 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.-Тошкент: Юридик адабиёт публиш, 2025-688 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик ўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 31-33-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарори.
6. М.Х.Рустамбоев Жиноят кодексига шархлар МАҲСУС ҚИСМИ Т.: -2021 б-602
7. М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексига шархлар. [қайта ишланган ва тўлдирилганиккини нашр. 2016 йил 1-ноябргача бўлган ўзгариши ва қўшимчалар билан] маҳсус кисм Тошкент: “Адолат”.2016-9606.
8. Т.Х.Хасанов “Ўғрилик учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш”. Монография Тошкент.:У 2023 б-126
9. М.М.Каландаров. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш: жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Тошкент: 2011 йил б.202;
10. С.С.Ниёзова Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Тошкент: 2006 йил б.179;
11. Сергеев, А. С. (2020). Мелкое хищение и краже. Исторический и современный аспекты ограничения административного правонарушения от преступления. Административное право и процесс, (3), 77-79.
12. Таганцев Н.С. Уложение о наказаниях уголовных и исполнительных 1885 г. СПб, 1906. С.867.
13. Абдурасулова Қ.П. Фирибагарликнинг жиноят хуқуқий муаммолари. Юрид.фа.номзоди...дисс. –Тошкент: 1996. -146.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати Ж.Ш.Н -Тартибли Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 й., 651-б.
15. Millington, R., 2023. "Xalq sporti": Germaniya Demokratik Respublikasida kichik o'g'irlik, 1963–1985. Sharqiy Markaziy Yevropa.
16. Марғиноний Б. Ҳидоя-Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990. 2-ж-428-429-б.
17. Имом ал-Бухорий Ал жомеъ ал-саҳих (Ишонарли тўплам) 4-жилд Комуслар бош таҳририяти: Тошкент-1997 б-528